

Атиргулчиллик кооперациялари Қува туманининг “драйвер”ига айланмоқда

Кўчатчиликда бой тажрибага эга қуваликлар атиргул етиштириш технологиясини ҳам яхши ўзлаштиришган. Ҳозирда 15 мингдан зиёд хонадон гулчиллик билан шуғулланмоқда.

Дастлаб “Янгиқишлоқ” МФЙдаги 7 сотих томорқасида 8 минг тупдан ортиқ атиргул кўчатини етиштириш билан шуғулланиб келган Ғайратжон Султонов фаолиятини кенгайтириб, “Водий турфа гуллари” МЧЖ кооперациясини йўлга қўйди.

“Янгиқишлоқ”, “Сойгузар”, “Кўрғонча” маҳаллаларида 100 дан зиёд хонадонлардаги аҳоли бандлигини таъминлади. 400 миллион сўм кредит эвазига томорқаларга атиргул уруғларини ва кўчат парваришилаш учун ўғит, кимёвий воситалар, пайвантаг етказиб беришни бошлади.

2021 йилда тадбиркор 1 миллион 568 минг долларлик 1,2 млн. туп атиргул кўчатларини Германия, Россия, Польша, Латвия, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тоҷикистон давлатлари бозорларига етказиб берди.

Тумандаги асосий гул етиштирувчилар ҳудуди бўлган Қорақум МФЙда эса Умиджон Бозоров ташаббус кўрсатиб, лойиҳа қиймати 2,5 миллиард сўм бўлган гулчиллик кооперациясини амалга ошироқда.

Хонобод МФЙда ҳам хонадонларда йилига 1 миллион донадан зиёд атиргул кўчатлари тайёрланмоқда.

Маҳаллада истиқомат қилувчи Муҳридин Акбаров 4 сотих майдондаги иссиқхонада ва бундан ташқари очиқ томорқа ҳудудида атиргул етиштириб, йилига 50-60 миллион сўм миқдорида даромад олаётганини таъкидлади.

“Олдин Россияга бориб ишлаб келар эдим. 2019 йилдан гул етиштиришни бошладим. Томорқада 3-4 киши доимий банд бўлмоқда. Даромад яхши бўлгани учун энди чет элга бориб ишлашга ўрин қолмади,” - дейди ёш тадбиркор.

2022-04-14 21:31:26